



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИДА ИШОНЧЛИЛИК ТАМОЙИЛИ

*DSc, доцент Мавланов Нормүмин Нормаматович,
Тошкент молия институти, Тошкент, Узбекистан*

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

ORCID:0000-0001-5117-4658

PRINCIPLE OF RELIABILITY FOR THE ANALYSIS OF CREDITWORTHINESS OF ECONOMIC SUBJECTS

DSc, Associate Professor Mavlanov Normumin Normamatovich,

Tashkent institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

ORCID:0000-0001-5117-4658

JEL Classification: M1,M4,M41

Аннотация. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда ишончлилик тамойилининг муҳимлиги ва зарурлиги атрофлича ёритиб берилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиги таҳлилида ишончлилигини баҳолаш зарурияти ва унинг муҳим жиҳатлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончлилигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган. Уибу методика асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончлилигини баҳолаш модели яратилди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончлилигини баҳолаш модели учта мезонга таянади. Дастрраб хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилаётган ахборотларнинг ишончлилиги баҳоланади. Дастрраб тақдим этилаётган ахборотларнинг техник жиҳатдан тўғрилигига баҳо берилади, яъни ахборотларни арифметик жиҳатдан тўғрилиги, тегишили меъёрий ҳужжатлар асосида рамийлаштирилганлиги, кўрсаткичларнинг бир-бира га мослиги ўрганилади. Ахборот манбаларини мазмунан текширишида эса ҳисобот маълумотларини инвентаризация натижаларига, дастрлабки ҳужжатларга ва банк маълумотларига мослиги ўрганилади. Молиявий ҳисобот

маълумотларининг мослигига эса бир ҳисобот шаклидаги маълумотнинг иккинчи бир ҳисобот шаклидаги маълумотга мослиги ўрганилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда энг муҳим хуносалар молиявий коэффициентлар натижаларига қараб чиқарилади. Молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолашда корхонанинг иқтисодий начорлиги(банкротлиги)ни баҳолаш зарурияти юзага келади, яъни тадбиркорлик субъектнинг ҳаётийлик даражасини олдиндан кўриш имкони унинг ишончли корхона эканлигини билдиради. Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда номолиявий мезонлар ҳам муҳим ўрин тутади. Номолиявий кўрсаткичлар молиявий кўрсаткичлар воситасида аниқлаб бўлмайдиган, лекин мазкур масала учун муҳим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниши орқали қарор қабул қилиши имконини беради. Номолиявий кўрсаткичларни ўрганмасдан туриб, корхонадаги ҳақиқий вазият тўғрисида тўлиқ маълумот олиб бўлмайди.

Abstract. In this article, the importance and necessity of the principle of reliability in assessing the creditworthiness of economic entities is described in detail. The need to assess the reliability of economic entities in the analysis of creditworthiness and its important aspects, as well as the methodology for assessing the reliability of economic entities have been developed. Based on this methodology, a model for assessing the reliability of economic entities was created. The model for assessing the reliability of economic entities is based on three criteria. First, the reliability of the information provided by the business entity is evaluated. First, the technical correctness of the presented information is assessed, that is, the arithmetical correctness of the information, its rationalization based on the relevant regulatory documents, and the compatibility of the indicators are studied. In the content verification of the information sources, the compatibility of the report data with the results of the inventory, preliminary documents and bank data is studied. In the compatibility of financial report information, the compatibility of information in one report form with information in another report form is studied. One of the important steps in assessing the reliability of economic entities is to assess their reliability based on financial criteria. When assessing the reliability of business entities, the most important conclusions are made based on the results of financial ratios. When assessing the reliability based on financial criteria, there is a need to assess the economic insolvency (bankruptcy) of the enterprise, that is, the ability to foresee the level of viability of the business entity means that it is a reliable enterprise. Non-financial criteria also play an important role in assessing the reliability of economic entities. Non-financial indicators allow decision-making by sensing and understanding aspects that cannot be determined by means of financial indicators, but are important for the given issue. Without studying non-financial indicators, it is impossible to get complete information about the real situation in the enterprise.

Калит сүзлар. ахборот, ахборот манбалари, ишончлиликни баҳолаши, молиявий мезонлар, номолиявий мезонлар, ишончлилигини баҳолаш модели.

Keywords. information, sources of information, reliability assessment, financial criteria, non-financial criteria, reliability assessment model.

Кириш. Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар хукуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиласиз[1]. Республикаизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг туб илдизи аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Аҳоли турмуш даражасини яхшиланиши бевосита ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишига боғлиқдир. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида қондирилиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳўжалик юритувчи субъектларда фаолият давомида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж юзага келади. Ҳозирда ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини асосан банк кредитлари ҳисобига қондириб келмоқда. Иқтисоди ривожланган давлатларнинг бизнес ҳаётини кузатиш шуни кўрсатадики, фаолиятни, бизнесни 90 фоизи қарз капитали ҳисобига йўлга қўйилади[3]. Бундан кўринадики, ҳўжалик юритувчи субъектлар доимий равишда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашда банк кредитлари жалб қиласиди ва уни ишлатишдан моддий наф оладилар.

Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини банк кредитлари ҳисобига қопланиши йилдан йилга ўсиб бораётганлиги ушбу соҳанинг ривожланиши қай даражада муҳим эканлигидан далолат беради. Ушбу ҳолатни қўйидаги расмда ҳам тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит қўйилмаларининг йилда йилга ўсиш кузатилаётганлигини кўришимиз

мумкин. Бу эса кредит рискини минималлаштириш заруриятини келтириб чиқаради.



1-расм. Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитларнинг ўзгариш динамикаси[4].

Кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиши тижорат банкларида кредит қайтмаслик риски паст бўлган энг мақбул қарз олувчиларни танлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Кредит рискини пасайтиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ишончлилигини баҳолашнинг асосий жиҳатлари келгуси йилларда банкрот бўлмаслик, молиявий қийинчиликлар ва кризис ҳолатларга тушиб қолмасликда олдини олишга ёрдам беради.

Материал ва метод. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилиниг методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асралар, рисолалар ва мақолаларда ўз аксини топган. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш бўйича Молиявий ҳолатнинг турли ҳил талқинлари (Жамбекова Р.Л., 2012) [5], Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016) [6], Қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш (Ендовицкий ва бошқ., 2016)[7], Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005)[8],

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш (Наумченкова, 2016)[9], Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016) илмий татқиқотларида кредитга лаёқатлилик таҳлилиниг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, корхоналар ишончлилигини баҳолашга тўхталиб ўтилмаган.

Молиявий таҳлил (Б.Хасанов ва бошқ., 2022) [3] ўкув қўлланмасида корхонанинг ишончлилигини баҳолаш бўйича тавсия этаётган услубиётида асосий эътиборни молиявий жиҳатдан баҳолашга яъни молиявий коэффициентларга қаратишган.

Молиявий таҳлил (Рахимов ва бошқ., 2019)[2] дарсликларида корхоналар ишончлилигини баҳолаш методикаси келтириб ўтилган бўлиб, асосан корхоналар ишончлилигини баҳолашда молиявий хисобот маълумотлари асосида молиявий ҳолатини баҳолашга қаратилган. Бунда корхоналар ишончлилигини баҳолашда қуидагиларга эътибор қаратиш зарур деб хисоблаймиз:

- фойдаланиладин ахборот манбаларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш;
- нафақат молиявий жиҳатларига балки номолиявий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш;

- келгуси даврда корхонанинг банкрот бўлиш эҳтимолини баҳолаш.

Тадқиқот ишини ташкил этиш ва бажариш жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашнинг асосий жиҳатлари келгуси йилларда банкрот бўлмаслик, молиявий қийинчиликлар, кризис ҳолатлар, молиявий бўлмаган мезонлар асосида корхона фаолиятини баҳолашга қаратилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончлилигини баҳолашда қўйидаги мезонларга таяниш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун зарур ахборот манбалар ишончлилиги;

2. Хўжалик юритувчи субъектни молиявий кўрсаткичлар орқали молиявий аҳволи ва келгусидаги ҳолатига баҳо бериш;

3. Хўжалик юритувчи субъектни номолиявий кўрсаткичлар асосида кредит тарихига, турли хил кредитлардан фойдаланиш даражасига, лойиҳанинг реаллигига, бизнес фаолиятига ва бизнес обўсига баҳо бериш.

Ушбу мезонлар асосида хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш орқали ишончли корхоналарни танлаш имконини бериши тижорат банклари учун кредит қайтмаслик рискини сезиларли даражада камайтиришга замин яратиб беради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ишончли ахборот билан таъминланиш, молиявий ва номолиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда ахборот манбаларининг ишончлиги, молиявий ва номолияви мезонлар асосий зарур кўрсаткичлар ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш қўйидаги методикани тавсия этмоқчимиз:

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш методикаси¹

I. Зарур ахборот манбалари ишончлилигини баҳолаш
1.1. Ахборот манбаларини техник жиҳатдан тўғрилигини текшириш
1.2. Ахборот манбаларини мазмунан тўғрилигини текшириш
1.3. Молиявий ҳисобот маълумотларининг мослиги
II. Молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш
2.1.Молиявий коэффициентлар орқали баҳолаш
2.2.Иқтисодий начорлиги(банкротлигини)ни баҳолаш
2.3.Молиявий ҳисобот элементларини башоратлаш
III. Номолиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш
3.1.Кредит тарихи ва қарз маблағларидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш
3.2.Бизнес фаолияти ва бизнес обўсига баҳо бериш
3.3.Лойиҳанинг реаллигига баҳо бериш

Ушбу методика учта муҳим мезонга таянади. Дастлаб хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилаётган

ахборотларнинг ишончлилиги баҳоланади. Дастлаб тақдим этилаётган ахборотларнинг техник жиҳатдан

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тұғрилигига бақо берилади, яғни ахборотларни арифметик жиҳатдан тұғрилиги, тегишли меъерий хужжатлар асосида рамийлаштирилғанлығы, күрсаткышларнинг бир-бираға мослиги ўрганилади. Ахборот манбаларини мазмунан текширишда эса ҳисобот маълумотларини инвентаризация натижаларига, дастлабки хужжатларга ва банк маълумотларига мослиги ўрганилади. Молиявий ҳисобот маълумотларининг мослигидә эса бир ҳисобот шаклидаги маълумотнинг иккінчи бир ҳисобот шаклидаги маълумотта мослиги ўрганилади.

Хұжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш мухим босқичлардан бири ҳисобланади. Хұжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда энг мухим хулосалар молиявий коэффициентлар натижаларига қараб чиқарилади.

Молиявий коэффициентларни аниқлаш ва унинг ўзгаришларини қиёсий таққослаш асосида хұжалик юритувчи субъектлар молиявий ахволини аникроқ ўрганиш имкони туғилади[9]. Молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолашда корхонанинг иқтисодий начорлиги(банкротлигі)ни баҳолаш зарурияты юзага келади, яғни тадбиркорлық субъекттің ҳаёттілік даражасини олдиндан күриш имкони унинг ишончли корхона эканлигини билдиради. Хұжалик юритувчи субъектларнинг банкротлық әхтимолини баҳолашда ҳалқаро амалиётта жуда күп моделлардан фойдаланыб келинмоқда. Амалиётта энг күп құлланиладыган моделлардан бири Алтыман модели ҳисобланади. Хұжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда

молиявий ҳисоботларини башортлаш мухим босқичлардан беради. Хұжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини прогнозлаш мажбуриятларни қайтариш әхтимолини, келгусидаги рентабеллик даражасини аниқлаш имконини беради.

Хұжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда номолиявий мезонлар ҳам мухим ўрин тутади. Номолиявий күрсаткышлар молиявий күрсаткышлар воситасида аниқлаб бўлмайдиган, лекин мазкур масала учун мухим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниш орқали қарор қабул қилиш имконини беради. Номолиявий күрсаткышларни ўрганмасдан туриб, корхонадаги ҳақиқий вазият тұғрисида тўлиқ маълумот олиб бўлмайди. Хұжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда энг мухим номолиявий күрсаткышлардан бири корхонанинг кредит тарихи ва қарз маблағлардан фойдаланиш даражаси каби күрсаткышлардир. Кредит тарихининг ижобий бўлиши ва қарз маблағлардан фойдаланиш даражаси юқорилиги корхонанинг ишончлилигини кўрсатади. Хұжалик юритувчи субъекттинг бизнес фаолиятининг барқарор бўлиши кўп номолиявий күрсаткышлар билан боғлиқдир. Ушбу номолиявий күрсаткышлар корхонанинг бозордаги обрўсини белгилаб беради. Корхоналар ишончлилигига бақо беришда хұжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг реаллиги ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда хұжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилаётган лойиҳа қанчалик ҳаёттіліги барқарор ривожланишга ва хұжалик юритувчи субъекттинг ишончлилигига катта таъсир кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш модели²

Кўрсатичлар	Ишончли		Қисман ишончли		Ишончсиз	
	мөъёри	балл	мөъёри	балл	мөъёри	балл
I. Зарур ахборот манбалари ишончлилигини баҳолаш						
1.1. Ахборот манбаларини техник жиҳатдан тўғрилигини текшириш	Маълумотлар тўғри	1	Қисман тўғри	0,5	Маълумотлар нотўғри	0
1.2. Ахборот манбаларини мазмунан тўғрилигини текшириш	Маълумотлар тўғри	1	Қисман тўғри	0,5	Маълумотлар нотўғри	0
1.3. Молиявий хисбот маълумотларининг мослиги	Маълумотлар мос келади	1	Қисман мос келади	0,5	Маълумотлар мос келмайди	0
II. Молиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш						
2.1. Молиявий коэффициентлар орқали баҳолаш						
Қоплаш коэффициенти[10](K_k)	$K_k > 1,25$	1	$1,25 > K_k < 0,2$	0,5	$K_k < 0,2$	0
Молиявий мустақиллик коэффициенти(K_{MM})	$K_{MM} > 1$	1	$1 > K_{MM} < 0,5$	0,5	$K_{MM} < 0,5$	0
Харажат ва даромад нисбати коэффициенти[10](K_{xd})	$K_{xd} < 0,5$	1	$1 > K_{xd} < 0,5$	0,5	$K_{xd} > 1$	0
Ўз капитали рентабеллиги(R_k)	$R_k > 20\%$	1	$20\% > R_k < 5\%$	0,5	$R_k < 5\%$	0
Активлар рентабеллиги[10](R_a)	$R_a > 20\%$	1	$20\% > R_a < 5\%$	0,5	$R_a < 5\%$	0
Жорий активлар айланувчанлиги(A_{ja})	$A_{ja} > 4$	1	$4 > A_{ja} < 1$	0,5	$A_{ja} < 1$	0
2.2. Иқтисодий начорлиги (банкротлигини)ни баҳолаш (Алтыман модели)	ИН > 2,99	1	$1,8 < IN < 2,99$	0,5	$1,88 > IN$	0
2.3. Молиявий хисбот элементларини башоратлаш	Ўсиш	1	Ўзгаришсиз	0,5	Пасайиш	0
III. Номолиявий мезонлар асосида ишончлилигини баҳолаш						
3.1. Кредит тарихи ва қарз маблағларидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш						
Кредит тарихи	Ижобий	1	Ўртача	0,5	Салбий	0
Қарз маблағларидан фойдаланиш даражаси	Ижобий	1	Ўртача	0,5	Салбий	0
3.2. Бизнес фаолияти ва бизнес обрўсига баҳо бериш						
Товарларнинг рақобатбардошлиқ даражаси	Талаб мавжуд ва сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган	1	Талаб мавжуд, аммо сотиш сервиси яхши йўлга қўйилмаган	0,5	Талаб мавжуд эмас	0
Бизнес обрўси	бозордаги обрўси юкори, бренд таникли	1	товарининг бренди мавжуд	0,5	товарлари бренд таниш эмас	0
Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти(K_q)	$1 > K_q < 0,5$	1	$0,5 > K_q < 0,2$	0,5	$K_q < 0,2$	0
Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти(K_{ab})	$K_{ab} < 0,5$	1	$0,5 < K_{ab} < 0,8$	0,5	$K_{ab} > 0,8$	0
Кадрлар алмашинуви коэффициенти(K_{ka})	$K_{ka} < 1$	1	$K_{ab} = 1$	0,5	$K_{ab} > 1$	0
3.3. Лойиҳанинг реаллигига баҳо бериш	Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд ва юкори даромад келтиради	2	Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд, аммо паст даромад келтиради	1	Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд эмас	0
Жами:		20		10		0

² Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Хўжалик субъектларнинг юритувчи ишончлилигини баҳолаш модели республикамизда амалда қўлланилаётган меъёрий хужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу моделдан хўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари, лизинг ташкилотлари ва кредит бюролари кредит билан боғлиқ муомилаларни амалга ошириш жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Ушбу модел амалда қўлланилаётган меъёрий хужжатларга, тартибларга ва энг муҳими таҳлил учун зарур бўлган ахборотлар базасини шакллантиришнинг умумбелгиланган талабларига тўла мос тушади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончлилигини баҳолаш модели учта муҳим мезон асосида тупланган жами балл 0 баллдан 20 баллгача оралиғда 3 та тоифага бўлиб баҳо беради.

3-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигига баҳо бериш тартиби³

Тоифа	Қисқача изоҳ	Жами (балл)
1-тоифа	Бу тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар ишончли ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш самарадорлиги юқори.	10-20
2-тоифа	Бу тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар қисман ишончли ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш самара келтиради.	0-10
3-тоифа	Бу тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар ишончсиз ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш самара келтирмайди.	0

Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш моделининг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модел хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

2. Бошқа баҳолаш методларидан фарқли равишда хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолашда номолиявий мезонларнинг ҳам ҳисобга олинганлиги.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар ишончлилигини баҳолаш

мезон(критерий)ларини хисоблаш усуслари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

4. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Мунозара. Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончли бўлиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтишига замин яратиб беради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончли бўлиши яқин келажакда банкрот

³ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.

бўлмаслик, молиявий
қийинчиликларга тушмаслик,
мажбуриятларни қоплаш юзасидан
ишончли манбаларга эга эканлигини
кўрсатиб беради. Бу эса хўжалик
юритувчи субъектларнинг мавжуд
мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ
қайтариб беришга имкон беради. Хўжалик
юритувчи субъектларнинг
ишончлилигини баҳолаш методи соҳа
мутахасислари томонидан турли хил
талқин қилинмоқда. Олимларнинг асосий
қисми корхоналарнинг ишончлилигини
баҳолашда молиявий кўрсаткичларнинг
ўрни муҳим деб ҳисоблашмоқда. Хўжалик
юритувчи субъектларнинг ишончлилигини
баҳолашда молиявий кўрсаткичлар
сингари ахборот ишончлилиги ва
номолиявий кўрсаткичлар ҳам муҳим
ҳисобланади.

Хулоса. Хўжалик юритувчи
субъектларнинг ишончлилигини баҳолаш
модели тадбиркорлик субъектлари
ишончлилигини аниқлаш бўйича

куйидаги маълумотларга эга бўлиш
имконини беради:

- хўжалик юритувчи субъектлар
томонидан тақдим этиладиган
маълумотларнинг ишончлилигини
баҳолаш. Ишончли ахборотга эга
бўлмасдан хўжалик юритувчи субъектлар
фаолиятига тўғри баҳо бериш имкони
мавжуд эмас;

- хўжалик юритувчи субъектлар
ишончлилигини баҳолашда молиявий
жиҳатдан кенг қамровли баҳо бериш
имконияти юзага келади;

- хўжалик юритувчи субъектлар
фаолиятини молиявий бўлмаган мезонлар
асосида ишончлилигини баҳолаш
имконини беради.

Тижорат банклари томонидан
хўжалик юритувчи субъектларнинг
кредитга лаёқатлилигини баҳолашда
ушбу моделдан фойдаланиш ишончли
хўжалик юритувчи субъектлар билан
ишлиш орқали кредит рискини сезиларли
даражада камайтириш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz>.
2. М.Y.Raximov, N.N.Kalandarova. Molivayi tahlil. *Darslik*. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 736 б.
3. Хасанов Б.А., Н.Ш.Хажимуратов, А.У.Нурманов, А.Н.Махмудов Молиявий таҳлил.-Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022. -253 б. 128 б.
4. <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти.
5. Жамбекова Р.Л. Методика системной экономической диагностики предприятия. / Дис.... др. экон. Наук., 2012. – 354 с.
6. Ендовиский Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организаций и групп компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.
7. Ендовиский Д.А., Бочарова И.В. (2005) Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. - 272 с.
8. Лиференко Г.Н. (2005) Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, с. 160
9. Наумченкова Ю. В. (2016) Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. № 5. с.5
10. Рахимов М. Фирма ва компанияларнинг мулки, капитали ва мажбуриятларини молиявий коэффициентларда баҳолаш. “Молия” илмий журнал. –Тошкент, 2011 йил 1-сони. 6 бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган



акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори. 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли Қарори. www.norma.uz.